

---

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари доирасида эртага, 6 сентябр куни "Шўрсув" ва "Бегобод" маҳаллаларидаги истеъмолчилар табиий газ таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари доирасида Ўзбекистон тумани **"Шўрсув" ГРСида эртага, 2024 йил 6 сентябр, жума куни** таъмирлаш ишлари бажарилади.

Шу сабабли ушбу ГРСдан фойдаланувчи "Шўрсув" ва "Бегобод" маҳаллаларидаги аҳоли хонадонлари ва улгуржи истеъмолчилар табиий газ таъминотида **эртага соат 08:00 дан 17:00 га қадар** вақтинчалик узилиш бўлади.

Ҳурматли истеъмолчилар!

Огоҳ бўлиб, газни ўчириш ва ёқишда табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишингизни эслатган ҳолда, келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

**"Худудгаз Фарғона" ГТФ "Ўзбекистонтумангаз" бўлими**  
**Мурожаат учун телефон: ☎104, (73) 539-19-46**

2024-09-05 14:36:46